

Суннат нима?



17:05 / 06.12.2019 3034

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари – муборак ҳаётлари, у зот таваллуд топганларидан бошлаб, то Раббиларига мулоқот бўлгунларича таржимаи ҳоллари ҳам «Суннат» туркумига киради.

Суннат муҳаддислар истилоҳида қуйидагича таъриф қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан асар бўлиб қолган гап, иш, тақрир, халқий (тана тузилиши), ахлоқий сифатлар ва таржимаи ҳолга тегишли маълумотлар «Суннат» дейилади».

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳ